



HISTORICAL ASPECTS OF CONTROL OVER THE IMPLEMENTATION OF LEGISLATION IN THE FIELD OF ATMOSPHERIC AIR PROTECTION

Bakhtiyor Rasulov

PhD student

Law Enforcement Academy

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: atmosphere, environment, prosecutor's control, historical stages, reforms.

Received: 19.05.25

Accepted: 21.05.25

Published: 23.05.25

Abstract: the article analyzes the history of the organization and development of prosecutor's offices, the role of this control body in the field of atmospheric air protection and its impact on ensuring environmental safety, issues of prosecutor's control in this field at different stages of the history of statehood are comparatively studied.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бахтиёр Расулов

докторант

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: атмосфера, атроф-муҳит, прокурор назорати, тарихий босқичлар, ислохотлар.

Аннотация: мақолада прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихини таҳлил қилиш асносида ушбу назорат органининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги роли ва атроф муҳит хавфсизлигини таъминлашдаги таъсири, давлатчилик тарихининг турли босқичида мазкур соҳада прокурор назоратини амалга ошириш масалалари қиёсий ўрганилган.

ИСТОРИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ КОНТРОЛЯ ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ОБЛАСТИ ОХРАНЫ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА

Бахтиёр Расулов

Докторант

Академия правоохранительных органов

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: атмосфера, окружающая среда, прокурорский надзор, исторические этапы, реформы.

Аннотация: в статье анализируется история организации и развития органов прокуратуры, роль этого органа контроля в сфере охраны атмосферного воздуха и его влияние на обеспечение экологической безопасности, сравнительно изучаются вопросы прокурорского надзора в этой сфере на разных этапах истории государственности.

Инсоният яралибдики, табиат билан ҳамнафас яшайди. Шунга кўра табиат ва жамиятнинг ўзаро мувозанати билан боғлиқ масала, хусусан табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-муҳит, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда давлат сиёсати ва қонунчилик асосларини тарихий ривожланишини таҳлил қилиш ва ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўтмишга назар солсак, собиқ Совет давлатининг жуда шиддат билан социалистик давлат асосларини қуришга қаратилган интилишлари, бир вақтнинг ўзида атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурати билан зид келади.

Жамиятда қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда темир интизомли, турли соҳаларда назорат функцияси ва ваколатлари берилган идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона марказлашган орган керак эди. Шу масъулиятни дастлаб Адлия халқ комиссарлиги таркибида ташкил этилган Давлат прокуратураси ўз зиммасига олади.

Собиқ СССРда 1922 йилда ташкил этилган прокуратура органлари олдида “жиноятчиликка қарши кураш мақсадида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш...” мақсади турарди.

Прокурор назорати тўғрисидаги 1922 йилги Йўриқномада прокуратурага ҳокимиятнинг барча органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, хусусий ташкилотларнинг фаолияти устидан, жиноий таъқибни амалга ошириш, суриштирув-тергов органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, судда давлат айбловини қувватлаш орқали назоратни амалга ошириш, шунингдек шахсларни ҳибсда сақлаш жойларида бўлишининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш вазифалари юклатилган эди.

Мавзуга ёндашув аввалида юртимизда прокуратура ташкил этилишининг тарихий босқичларига назар ташладик.

“1922 йилнинг 23 мартда Туркистон Республикаси Адлия халқ комиссариати коллегиясининг йиғилиши кун тартибига давлат прокуратураси ҳақидаги декрет лойиҳаси киритилди. 1922 йилнинг 9 май куни Туркистон Республикаси халқ комиссарлари ва

марказий ижро қўмитаси советларнинг “Давлат прокуратураси ҳақида”ги 54-сонли қарори қабул қилинди. 1922 йилнинг 3 июнидан у кучга кирди. Адлия халқ комиссариати қошида, адлия халқ комиссари ўринбосари бошқарадиган давлат прокуратураси бўлими ташкил қилинади”.

Маъмурий-худудий бўлиниш натижасига кўра 1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилган вақтда ҳам давлат прокуратураси Адлия халқ комиссарлиги таркибида эди. Шу вақтга келиб, маъмурий-худудий бирликлар саналган 7 та вилоят ва битта автоном республикада ҳам прокуратура ташкил этилиб, худуд прокуратураларида прокурор, прокурор ўринбосари, вилоят судидаги прокурор ёрдамчиси, прокуратуранинг участка ёрдамчилари штат бирликларида фаолият олиб боришган.

1929 йилнинг 27 январиди “Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссарлиги прокуратураси бўлими ҳақида”ги Низом тасдиқланиб, унга кўра прокуратура таркибий тузилмасида 5 та бўлим, шу жумладан алоҳида бўлим сифатида умумий назорат бўлими ташкил этилди. Умумий назорат бўлимини республика прокурори бошқарган.

Собиқ СССР Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари советининг 1933 йилнинг 20 июнидаги “СССР иттифоқи прокуратурасини таъсис этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унга кўра прокуратура ва тергов органларини Адлия халқ комиссариати тизимидан чиқариш режалаштирилади. Бироқ шу даврда ҳам Ўзбекистон ССРда ҳали ҳамон прокуратура Адлия халқ комиссарлиги таркибида фаолият юритар, республика прокурори адлия халқ комиссарининг ўринбосари ҳисобланар эди. Прокуратурага нисбатан икки томонлама бошқарув жорий қилинганди. Аммо бу ҳолат узок давом этолмади.

Фақат 1936 йилга келиб, собиқ СССР конституцияси қабул қилиниши билан прокуратура ўзининг конституциявий-ҳуқуқий мақомига эга бўлди ва прокурор назоратининг асослари белгилаб берилди. Шу йилнинг 20 июлига келиб, прокуратура Адлия халқ комиссариати тизимдан чиқарилди ёки бир сўз билан айтганда ижро ҳокимияти таркибидан назорат функциясини олиб боровчи мустақил орган сифатида ажралиб чиқди ва умумий назорат бўлими, прокуратуранинг таркибий тармоғи сифатида фаолият олиб борди.

Собиқ Совет Иттифоқи, жумладан Ўзбекистон ССРда ҳам атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилиш масаласи фақат 1950 йилларга келиб давлат сиёсати даражасида кун тартибига чиқди. Боиси унга қадар маъмурий буйруқбозликка асосланган совет бошқарув тизимида барча кучлар “партия томонидан ўрнатилган режаларни қандай бўлмасин бажаришга” қаратилар, бунда мамлакат табиий ресурсларига нисбатан муносабатда, улар ҳеч қачон тугамаслиги нуқтаи назарига устиворлик бериларди.

Айнан шу даврда мазкур соҳани аниқ тартибга солувчи ҳуқуқий механизмлар шакллантирилди ва муайян давлат бошқаруви органларига ваколатлар белгилаб берилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда давлат бошқаруви бир нечта йўналишда ривожланди: биринчидан, Республика министрлар кенгаши бўйсунувида махсус ваколатли республика Табиатни муҳофаза қилиш органлари ташкил этилди; иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонун нормаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди; учинчидан, табиатни муҳофаза қилиш соҳаси бошқарувининг табиий ресурслар тармоғи ривожлантирилди; тўртинчидан, экологик муаммоларни ҳал қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда вакиллик органлари, республика ва маҳаллий кенгашларнинг қонун ижодкорлиги ва ижро фаолиятида роли ва маъсулияти оширилди.

XX асрнинг 60-йилларига келиб, собиқ Ўзбекистон ССР Министрлар кенгаши Ўрмончилик хўжалиги ва ўрмонларни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ташкил этилди.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги махсус Қонун қабул қилиниши билан табиий бойликларни ва экологик мувозанатни сақлаш борасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ янги қонун ҳужжатлари базаси яратилиши белгиланди.

Қонунда биринчи маротаба табиатни муҳофаза қилиш давлат ва бутун халқнинг энг муҳим ва устивор вазифаси сифатида белгиланди.

Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, мазкур қонун табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун корхоналар, ташкилотлар, фуқароларнинг жавобгарликка тортилишини, жумладан табиий ресурслардан фойдаланишнинг илмий асослари, табиатни муҳофаза қилиш ғояларини тарғиб қилиш ва табиий бойликлардан фойдаланишни режалаштириш масалаларини тартибга соларди.

Хусусан, 1966 йилнинг 1970 йилларига қадар собиқ иттифоқ миқёсида жами 11 450 та хўжалик раҳбарларига нисбатан экология соҳасида зарурий чора-тадбирларни кўрмаганлиги учун жарима ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи кун тартибига чиққан бу даврда мамлакатда юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазият бир қадар мураккаб эди.

Хусусан XX асрнинг иккинчи ярмида собиқ Совет иттифоқида, бутун дунёдаги каби юқори даражада ўсиб борган саноат ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит, табиатга антропоген таъсири, табиий ресурсларнинг нооқилона ишлатилганлиги, давлатнинг экологик муаммолар ва уларнинг оқибатларига нисбатан етарли эътибор қаратмаганлиги, жамиятнинг экологик маданияти даражаси пастлиги, атроф-муҳит ҳолатини тизимли равишда назорат қилиш механизмлари яратилмаганлиги оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммоси келиб чиқади.

Бу эса ўз навбатида бутун инсоният ва келажак авлод учун кучли салбий таъсир этиши мумкин бўлган хавф омили сифатида баҳоланади.

Собиқ совет иттифоқида экология масалаларини илмий доирада ўрганиш ҳам фақатгина 1970 йилларнинг ўрталарига келиб юзага чиқади, боиси шу вақтга қадар соҳага оид объектив маълумотлар очик ва шаффоф бўлмагани сабабидан масалага “оқ доғ” ёки “сукут сақланадиган” мавзу сифатида қараларди.

Олимлар учун бу соҳадаги архив маълумотлари ёпиқ бўлиб, давлат, жамият ва табиат билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар таҳлили жуда кам ёритиларди. Фақат 1980 йилларга келиб, мамлакатдаги экологик вазият тўғрисидаги маълумотлар илмий доира ва бутун жамият учун очилади ва соҳани илмий ўрганишга қизиқиш янада ортади.

1960-1980-йилларга келиб, табиатни муҳофаза қилишда давлатнинг роли ошиб боради ва давлат сиёсати даражасида қўйида санаб ўтилган йўналишларда ривожланади:

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги махсус қонун ва бошқа йўналишларда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ нормаларни ўз ичига олган қонун ҳужжатлари, жумладан кодекслар (Ер кодекси, Сув кодекси ва бошқалар) қабул қилинади;

2. Собиқ Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари кенгашларида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича депутатлар комиссиялари ташкил этилади;

3. Ижро ҳокимиятининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги роли ва ваколатлари кенгаяди, хусусан собиқ Ўзбекистон ССР Министрлар кенгаши, ҳудудларда вилоят, туманлар ижроия қўмиталарида табиатни муҳофаза қилиш бўйича қўмита ва комиссиялари ва нихоят 1988 йилга келибгина, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона ваколатли давлат органи сифатида марказда - СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва жойларда жумладан собиқ Ўзбекистон ССР ва вилоятларда Қўмитанинг республика ва ҳудудий бўлимлари ташкил этилади. Табиатни муҳофаза қилиш соҳаси собиқ Совет иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ҳудудлардаги бўлинмаларининг қаттиқ назоратига олиниши белгиланади;

4. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасига давлат бюджетидан кўпроқ маблағ ажратила бошлайди. Экология соҳасидаги илмий ишларга кўпроқ эътибор қаратилади ва шу мақсадда манфаатдор вазирликлар ва қўмиталарда табиатни муҳофаза қилиш бўйича махсус бўлимлар ва таркибий тузилмалар ташкил этилади. Соҳада қатор муҳим аҳамиятга молик илмий изланишлар олиб борилади;

5. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида нодавлат тузилмалар, жамоатчилик назоратини амалга оширувчи ҳаракатлар, ташкилотлар тузилади.

Бироқ кўрилган чоралар, қабул қилинган норматив ҳужжатлар ижроси ўзининг етарли даражада самарасини бермайди. Бунга кўплаб омиллар сабаб бўлади. Мазкур омилларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

Ижтимоий иқтисодий омиллар:

- иқтисодий ривожланиш манфаатининг экологик омиллардан устунлиги;
- инсон ва табиат ўртасида мувозанатни белгилашга хизмат қилувчи моддий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий изланишлар, манбалар етарли эмаслиги
- илмий-техникавий инқилоб натижаси ўлароқ чиқиндига бой технологиялар.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги камчиликлар:

-табиатни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида асосий эътибор табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган эди;

-айнан табиат, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи вазирлик ва ташкилотларга ва ҳудудий ижроия органларига соҳадаги норматив ҳужжатларни ижросини таъминлаш юклатилган, мазкур талабларни бажариш эса собиқ совет ҳокимияти томонидан тармоқларга юклатилган “режа”ларни бажариш учун тўсқинлик қилар, шу аснода ушбу ҳужжатларни амалда ижроси таъминланмай қолар эди. Собиқ тузумда давлат ҳокимияти қарорларининг мазмуни ва унинг ижроси ўртасида юзага келган зиддият ҳам вазиятни салбий томонга йўналтирар эди.

Шу ўринда экология соҳасида муаммолар юзага чиққан бир даврда мазкур йўналишда прокурор назорати қай аҳволда эди?

Ўрганишлар собиқ СССР прокуратурасининг 1922 йилдан 1966 йилга қадар бўлган буйруқлари ва собиқ Иттифок Марказий ижроия қўмитасининг қарорларида ва ўз навбатида Ўзбекистон ССР прокурори ва ижроия органларининг қарорларида прокурорнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан назорати ёки ушбу соҳанинг муҳимлиги ва долзарблиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмаслигини қайд этади.

Мисол учун, собиқ СССР Бош прокурорининг 17.07.1946 йилги №128-сонли “Қонунларни бир хилда ва аниқ бажарилиши устидан умумий назоратни кучайтириш тўғрисида”ги буйруғида ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, жамият мулкани талон-тарож қилиш ва ўзлаштиришга, ариза ва шикоятларни ҳал этишда бюрократик муносабатда бўлишга қарши курашиш билан боғлиқ қонунлар ижросига алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилгани ҳолда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун ижроси устидан назорат борасида бирор сўз юритилмаган.

Фақат СССР Бош прокурорининг 04.06.1964 йилги “Умумий назорат соҳасида прокуратура органлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №55-сонли,

15.10.1964 йилги “Кимёвий ишлаб чиқариш ва минерал ўғитларни сақланишини таъминлаш соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида”ги №7/92-сонли, 04.11.1965 йилги “Колхоз ерларидан фойдаланишда қонунлар ижроси ҳолати тўғрисида”ги №7/103-сонли Бош прокурор ўринбосарининг Кўрсатмаларида табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ айрим масалалар ўз аксини топади.

Экология соҳасидаги муаммолар собиқ партия съездлари кун тартибига қўйилар, муаммо ечимлари “беш йиллик” давлат режалари ва директиваларида акс эттириларди. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида прокурор назоратини кучайтириш собиқ СССР бош прокурорининг қатор ҳужжатлари қабул қилинади.

Чунончи, 24.06.1966 йилги №7/64-сонли “Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунларни аниқ ва бир хилда ижросини назорат қилиш ишларини яхшилаш тўғрисида”ги, 23.06.1973 йилги №7/41-сонли “Балиқ захираларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик, браконьерлик ва сув ҳавзаларини зарарли саноат ташламалари ва хўжалик-маиший чиқиндилар билан ифлослантиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тўғрисида”ги Кўрсатмалари қабул қилинади.

Айнан “Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунларни аниқ ва бир хилда ижросини назорат қилиш ишларини яхшилаш тўғрисида”ги Кўрсатмада биринчи бор атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масаласида сўз юритилади. Хусусан соҳада прокурорларнинг асосий эътибори, атмосфера ҳавосининг инсон саломатлиги учун хавф туғдирувчи саноат чиқиндилари билан ифлослантириш ҳолатлари тез-тез учраётганлигига, санитар инспекциялар томонидан бу ҳолатлар юзасидан кўраётган таъсир чораларининг қонунийлигига қаратилиши белгиланади.

Шу даврда прокурорнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат функциясининг аҳамияти хусусида олимлар турлича фикр юритади.

Айрим олимлар, жумладан А.М.Галеева, М.Л.Курок “инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш омили сифатида табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тамойиллар, собиқ совет давлатчилиги тизимининг асосий ғояси бўлганлигини, фақат социалистик тизимгина бутун инсониятнинг табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишга қодир” деган фикрни илгари суришади.

Бошқа олимлар, жумладан Мурашин Г.А табиатни муҳофаза қилишда қонунларни бир хилда ва аниқ бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорлар асосий ўрин тутишини таъкидлайди.

1979 йилга келиб Собиқ СССР, жумладан Ўзбекистон ССР “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан прокуратура органларининг қонунлар ижроси

устидан, шу жумладан табиатни муҳофаза қилиш соҳасида нозоратни амалга ошириш билан боғлиқ ваколатлари аниқ белгилаб берилади.

Бироқ мамлакатда ҳукм сурган маъмурий буйруқбозлик тизимида табиат ва инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устун қўйилганлиги, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат бузилишига, табиий ресурслардан фойдаланиш ва саноат корхоналарини жойлаштиришда жамоатчилик фикри инобатга олинмасдан қарорлар қабул қилинишига, якунида эса аҳолининг атроф-муҳит, атмосфера ҳавоси ифлосланиши оқибатидан норозилигига олиб келади.

Собиқ иттифокда маъмурий буйруқбозлик тизими ўз асл моҳиятига кўра ички ва ташқи хавфларни тезда аниқлаш ва уни олдини олишга тезкорлик билан чора-тадбирларни кўришга имкон бермаган, шунга кўра атроф-муҳит, атмосфера ҳавосини ифлосланишдан ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар жуда секинлик билан амалга оширилади.

Булар эса ўз мевасини беришини кўп куттирмайди. Саноат шаҳарчаларида истиқомат қилаётган аҳоли атмосфера ҳавоси ифлосланганлиги билан боғлиқ хавотирини очик-ойдин билдиришни, оммавий ахборот воситалари ҳам муаммони танқидий руҳда ёрита бошлайди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида алоҳида рукнлар атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилишга бағишланади, жамоатчилик етилиб келган экологик муаммоларга нисбатан кескин муносабат билдиради.

Хусусан, собиқ СССР шимолий ва Сибир дарёлари оқимларини жанубга йўналтириш билан боғлиқ Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлигининг лойиҳасига нисбатан кенг жамоатчилик қарши чиқади.

1980-1990-йилларда мамлакатда юзага келган экологик кризисни ҳеч қанақасига бартараф этиш имконияти бўлмади. Вазият издан чиқади.

16.06.1987 йилда собиқ СССР “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш киритилиб, прокурор таъсир чоралари биттага кўпайиб, “огоҳлантирув” (қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида) таъсир чораси қўллана бошлайди ва прокурорлар томонидан экологик экспертиза хулосаси олинмаган қурилишларни тўхтатишга бир қадар эришилади.

1980 йилда собиқ СССР “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Бироқ атмосфера, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор махсус қонунлар қабул қилинган бўлсада, мазкур қонунлар ижросини назорат қилиш функцияси юклатилган прокуратура органларида алоҳида таркибий тузилма мавжуд бўлмаган. Фақат 1989 йилга келибгина СССР Бош прокуратурасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат Бошқармаси ташкил этилади, бироқ ҳудудлар, жумладан ЎзССРда экология соҳасини назорат қилиш бўйича махсус тармоқ ташкил

этилмайди, 1991 йил ҳолтида Ўзбекистон прокуратураси таркибий тузилмасида умумий назорат бошқармаси фаолият олиб боради.

Курулганиш пойгаси 1990 йилга келиб, собиқ иттифокда экологик мувозанат бузилишига, табиий бойликлар ва турли-туман табиий ресурсларга бой бўлган давлатнинг экологик кризис хавфига дуч келишига олиб келади.

Собиқ иттифок парчаланишидан кейин барча республикаларда, жумладан мустақил Ўзбекистон ҳам иқтисодий муаммолар билан бир қаторда жуда мураккаб экологик вазиятни ҳам мерос қилиб олди. Энг оғриқли муаммо сифатида Орол денгизи фожеаси кун тартибига чиқди.

Орол денгизи Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда қадимдан табиий мувозанатни сақловчи вазифасини бажариб келган. Ўтган асрнинг 60-йилларида чўлларнинг ўзлаштирилиши, суғориладиган майдонлар кенгайиши, сув тежаш технологиялари қўлланмагани оқибатида денгизнинг қуришига сабаб бўлди.

Гарчи собиқ СССР Министрлар кенгаши ва КПСС Марказий қўмитасининг 19 сентябрь 1988 йилги №1110-сонли “Орол денгизи ҳавзаси ҳудудида экологик ва санитар ҳолатни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида Қарори қабул қилинган бўлсада, бу тадбирлар етарли самара бермайди.

Фақат истиқлолга эришгач мазкур экологик хавфга нафақат мамлакатимиз балки бутун дунё ҳамжамиятининг алоҳида эътибори қаратилди.

Аввало соҳага оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилди. Жумладан, қатор махсус қонун ҳужжатлари, хусусан 1993 йил 6 майда Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги, 1996 йил 27 декабрда Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, 2023 йил 9 ноябрда Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида, 2024 йил 31 октябрда Ер қаъри тўғрисида, жорий йилнинг 24 февралда Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Охирги йилларда Орол денгизи фожеаси билан боғлиқ муаммонинг салбий оқибатларини юмшатиш борасида қатор самарали ва амалий тадбирлар амалга оширилди ва ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан 2018 йилнинг август ойида Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари мажлисида Орол фожеаси оқибатларини бартараф этишда Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича бешта таклифни илгари суриб, Оролбўйи ҳудудини Экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш масаласини кўриб чиқиш ҳақида тўхталади.

“Кум кўчиқларини мустаҳкамлаш, Оролнинг қуриган қисмида ҳавога заҳарли аэрозол чанглари кўтарилишини камайитириш масалалари бизнинг эътиборимиз марказида бўлиши зарур. Шу мақсадда чўл шароитига чидамли ва озуқа ўсимликлари кўчатларини етиштириш бўйича Минтақавий марказ ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Олимларимиз берган маълумотга кўра, 10-12 йил давомида денгизнинг қуриган қисмини дарахтзор ва бутазорларга айлантиришимиз мумкин. Бундан ташқари, янги унумдор яйловлар яратишга қурбимиз етади, бу чорвачиликни изчил ривожлантириш ва ўн минглаб одамларни иш билан таъминлаш имконини беради. Минтақавий марказ эса эҳтиёж катта бўлган мутахассислар тайёрлаш бўйича ўзига хос ноёб илмий-таълим базасига айланади”, - деди Президент.

2021 йилнинг 18 май куни БМТ Бош ассамблеяси 75-сессиясининг ялпи мажлисида Президентимиз таклифига кўра, Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан маъқулланди.

Айни пайтда мазкур йўналишда Орол минтақасида қурғоқчилик давом этишининг олдини олиш, яъни заҳарли чангларнинг ҳавога кўтаришини тўхтатиш учун денгизнинг қуриб қолган ҳудудларини ўрмонзорга айлантириш ҳаракатлари қизгин давом этмоқда.

Мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, соҳага оид қонунлар ижросини назорат қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Президентнинг 2023 йил 31 март кунги ПФ-81-сонли “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Бош прокуратуранинг ташкилий-штат тузилмасида қўшимча 6 та штат бирлигидан иборат бўлган Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилди. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратга масъул бўлган Бош прокурор ўринбосари лавозими киритилди.

Бошқармага Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий махсус прокуратуралар фаолиятини мувофиқлаштириш юклатилди.

Ушбу Фармон билан юклатиладиган янги вазифа ва функцияларни инобатга олиб, Табиат ресурслари вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши деб қайта номланиши белгиланди ва вазирлик тузилмасида алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Давлат экологик назорат инспекцияси ташкил этилди.

Энг эътиборли жиҳати, Фармон билан 2024 йил 1 январдан бошлаб атроф-муҳитга таъсири бўйича I тоифага ва II тоифага кирувчи янги объектларни лойиҳалаштиришда

юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ва (ёки) локал сув тозалаш иншоотлари ўрнатилиши кўзда тутилмаган лойиҳаларни давлат экологик ва шаҳарсозлик экспертизаларидан ўтказиш ҳамда қурилиши тугалланган объектларни, уларни ўрнатмаган ҳолда фойдаланишга қабул қилиш ман этилиши белгиланди.

Президентимизнинг 25.09.2024 йилдаги "Чанг бўронларига қарши курашиш ва атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш бўйича биринчи навбатдаги чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ - 338 - сонли Қарори билан экологик вазиятни тубдан яхшилаш, чанг бўронларига қарши курашиш, ихота дарахтзорларини барпо этиш орқали чанг бўронлари содир бўлиш хавфини камайтириш мақсадида 2024-2030 йилларга мўлжалланган миллий дастур тасдиқланди. Миллий дастурнинг асосий йўналишлари этиб, 2025 - 2028 йилларда чанг бўронларини прогноз ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолини барвақт огоҳлантириш тизимини йўлга қўйиш, чанг ва кум бўронлари олдини олиш ва оқибатларини юмшатишда илғор технологияларни жорий этиш ҳамда ҳудудларда яшил қопламаларни кенгайтириш, қурилиш майдонларида чанг ва кум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш ва чанг бўронларига қарши курашишга қаратилган экологик таълимни кучайтириш белгиланди.

Эндиги вазифа, Миллий дастурда белгиланган ҳар бир йўналишда фаолиятни тўғри йўлга қўйиш, белгиланган тартиб-тамойилларга оғишмай амал қилиш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, экологик вазият мувозанатини сақлашда ҳар бир фуқаронинг дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорат фаолияти самарадорлигини оширишдан иборатдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бижанова К.А. "Исторические аспекты формирования прокурорского надзора в сфере охраны окружающей среды". Актуальные проблемы российского права. 2018 №7 (92) июль. Стр 232.
2. Постановление ВЦИК 28.05.1922 "Положение о прокурорском надзоре" // СУ РСФСР, 1922. №36. Стр.424
3. "Қонун ҳимоясига ҳаёт бахшида..." Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 30 йиллигига бағишланган китоб. 2022 йил.
4. "Қонун ҳимоясига ҳаёт бахшида..." Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 30 йиллигига бағишланган китоб. 2022 йил
5. Конституция СССР 05.12.1936 йилда V111- чи Фавқулодда Съездда қабул қилинган. Известия ЦИК СССР и ВЦИК, 1936. №228.

6. Евланов В.В. Формирование территориально-республиканской системы управления охраной природы (50-80-е гг. XX века) // исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. 2013. №4 (30): в 3 ч. Ч.1.71
7. Бижанова К.А. Прокурорский надзор в сфере исполнения законов об охране окружающей среды. дис...к-та юрид.наук.12.00.11. –М, 2019.-С. 20.
8. Макеева Е.Д.“Документы Российского государственного архива экономики как источник для изучения истории охраны природы в СССР”. Вестник Московского государственного областного университета. Серия: История и политические науки.2019/№3. Стр.55
9. Е.Д.Макеева “Природоохранная политика СССР в 1960-1980-х гг.:успехи, провалы и противоречия” Молодой учений// История и археология: материалы IV Межд. науч. конф. (г.Санкт-Петербург: Свое издательство,2017,-С.37-41.-URL: <https://moluch.ru/conf/hist/archive/243/12646/> (дата обращения 10.04.2025)
10. Сборник действующих приказов и инструкций Генерального прокурора СССР // Государственное издательство юридической литературы. Москва, 1958 г. С19.
11. Евланов В.В. Формирование территориально-республиканской системы управления охраной природы (50-80-е гг. XX века) // исторические, философские, политические и юридические науки, кельтурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. 2013. №4 (30): в 3 ч. Ч.1.С.74
12. Галеева А.М.Курок М.Л. Об охране окружающей среды: сборник документов партии и правительства, 1917-1985 гг. М.:Политиздат, 1986.С.Б.
13. Мурашин Г.А. роль правоохранительнкх органов в области окружающей среды//Охрана окружающей среды
14. Ведомости Верховного Совета СССР.1977. № 41. Стр. 617.
15. Свод законов СССР, том 4,раздел 111 “Законодательство об охране природы и рациональном использовании природных ресурсов” . Стр. 30-10
16. “Орол денгизининг қуриган туби ўрмонзорга айлантирилади”. [электрон ресурс] қаралган вақти 30.04.2025 йил. <https://strategy.uz>
17. “Орол инқорози инсоният эътиборсизлиги ҳақида даҳшатли эслатма” [электрон ресурс] қаралган вақти 30.04.2025 йил. Халқ сўзи. <https://xs.uz>